

# АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСИДА МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКА ТАҲДИДЛАР ВА ИЖТИМОИЙ ЗИДДИЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ФАЛСАФИЙ МАЗМУНИ

*Мамаджанов Алишер Муратович  
Фарғона давлат университети доценти.*

**Аннотация:** Уибу мақолада ахборот хавфсизлигини таъминлаши асосида миллий хавфсизлика таҳдидлар ва ижтимоий зиддиятларни олдини олишининг фалсафий мазмунини таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** миллий хавфсизлик, ахборот, ижтимоий зиддият, таҳдидлар, ахборот хавфсизлиги, ахборот истеъмоли маданияти, ижтимоий барқарорлик, тажсовуз, ижтимоий таъсир

Бугунги кунда ҳам ўзларининг маънавий бузғунчилик, ахлоқсизлик, экстремистик ғояларини турли ахборот коммуникация воситалари орқали ёйиб, ёшлигаримизни маънан бузиш, ғоявий заифлаштириш, уларни сохта ғоялар таъсирига тортиш ва улар ўртасида маънавий бузғунчилик ҳаракатларини келтириб чиқариш билан боғлиқ уринишлар давом этмоқда.

Ахборот-мафкуравий таҳдидлар муаммоси бўйича изланишлар олиб борган олим Т.Томас ахборот мафкуравий таъсирнинг асосий воситаси эканлигини қўйидагича изоҳлади: «Ахборот ресурсларини бошқалардан худди ядро қуролини ҳимоя қилган каби ҳимоялаш лозим; ахборот ресурслари кучлар нисбатини бузиб юбориши мумкин; ахборот хуружлари ўзининг бошланиш палласида унчалик кўзга ташланмаслиги сабабли ҳар доим ҳам уларнинг олдини олувчи чораларни қўллаб бўлмайди; ахборот хуружлари экологик хавф-хатар туғдирмайди, шу боис душмангаахборот хужумини уюштириш ядро қуролини қўллашдан кўра самаралироқ ҳисобланади; ахборот амалиёти мамлакат иқтисодини ҳам издан чиқариши мумкин; ахборот хуружлари кишилардаги миллий рухиятни заифлаштиришда самарали усуздир; ахборот хуружлари мавжуд воқеликни бузиб кўрсатиб, мамлакатнинг нотўғри қарорлар қабул қилишига ёки қарорлар қабул қилиш жараёнини бузишга сабаб бўлиши мумкин»[1].

Бугунги кунда оммавий коммуникация ва ахборот воситаларининг инсоннинг шахсий ҳаётига аралашиши, бунда матбуот, радио, телевидениедан фойдаланиб инсон онгига кўрсатиладиган таъсир ахборотнинг инсонларнинг ҳаёти устидан ҳар томонлама назорати одамлар ҳаётининг энг яхши идеалларини амалга ошиши ҳақидаги орзу-умидларини шубҳага солиб қўйди[2]. Ахборот технологиялар томонидан таъминланадиган портлашнинг хавфи ер сайёраси аҳолисининг ортиб кетиши ёки ифлосланишидан кам эмас. Бугунги кунда ахборот ресурслар ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётда етакчи роль ўйнай бошлади.



Бундай шароитда миллий хавфсизликни замонавий рухда тушуниш, юртимиз миллий манфаатларини шахс, жамият ва давлат манфаатлари мутаносиблигининг йифиндиси сифатида белгиланиши, ахборот соҳасида уларнинг оптималь мувозанатини топиш шахснинг ахборот психологик хавфсизлиги масаласининг долзарблашуви ҳақидаги мулоҳазаларнинг шаклтанишига олиб келди. Ўзбекистон давлати ва жамияти хавфсизлигини таъминлаш шахснинг ахборот психологик хавфсизлигини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқdir. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепциясида шахс хавфсизлигини ҳолатини белгилаб берувчи манфаатлари сифатида куйидагилар ажратиб кўрсатилган: конституциявий хуқуқ ва эркинликларни рўёбга чиқариш, шахсий хавфсизликни таъминлаш, ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, инсон ва фуқароларнинг маънавий ва интеллектуал ривожланиши. Ўзбекистоннинг ахборот соҳасидаги энг муҳим миллий манфаатлари қаторига, хусусан фуқароларнинг ахборот олиш ва ундан фойдаланишга бўлган конституциявий хуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш ҳам киритилган[3]. Бу жиҳатдан, ёшларнинг ахборот психологик хавфсизлигини таъминлаш масаласини кўтариш ва унинг ечимини замонавий шароитларга ва ижтимоий амалиёт эҳтиёжларига мос ҳолда топиш навбатдаги муҳим омилни – шахс ахборот психологик авфсизлигини таъминлашнинг услари ва воситаларини назарий методологик жиҳатдан асослаб бериш ишлаб чиқиши заруртини белгилаб беради. Инсонга бўлган ахборот таъсири обьекти ва моҳиятининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олганда шахсни психологик ҳимоя қилиш тизими замонавий шароитларда шахс ахборот психологик хавфсизлигини таъминлашнинг асослари бўлиб хизмат қиласи[4].

Замонавий шарт шароитларда мазкур муаммонинг долзарблиги сўнгги йилларга келиб тўла маънода тушунила бошланди. Кўпгина тадқиқотларда шу нарса аниқланганки, доимий ахборот алоқаси бўлмаса, инсоннинг тўла қонли ривожланиши, ижтимоий гуруҳлар ва умуман жамиятнинг мўтадил фаолият олиб бориши мумкин эмас[5]. Бу борада ахборот коммуникатив жараёнларида яширин тарзда мавжуд бўлган, шахс ва жамият тараққиётига ҳақиқий ва тобора ўсиб борувчи таҳдид соладиган жиҳати эътибордан четда қолиб келган. Кўпгина ривожланган давлатларда ахборотлашган жамиятнинг янги асосларини шакллантиришга муайян даражада эришилган бўлса-да, уни янада такомиллаштириш жараёни давом этмоқда[6]. Ахборотлашган жамият асосида инсоннинг ахборот олиш эркинлиги, коммуникация соҳасида – ахборотларни эркин айирбошлиш ва сўз эркинлигиояси ётади. Бугун биз ахборотлашув жараёнининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Чунки бутун дунё миқёсида кузатилаётган ва интеграция жараёнларида ўз ифодасини топаётган ахборотлашув жараёни инсон ҳаётининг барча соҳаларига даҳл қила бошлади.

Ахборотлашув жараёни оқибатида дунё миқёсида ягона яхлит ахборот майдони шаклланди. Дастреб олимлар ахборотлашув жараёнини кўпроқ техноген жараён сифатида талқин қилишга мойиллик билдириб, унинг сиёсий ва маънавий жиҳатларига эътибор бермадилар. Лекин сўнгги пайтларда унинг бу жиҳатларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилмоқда ва қайта – қайта тақрорланмоқда[7]. Чунки бугун бутун дунёда ижтимоий муносабатлар, одамларнинг яшаш ва тафаккур тарзида кескин ўзгаришлар юз берди. Бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабҳаларига ахборот-коммуникация ва компьютер технологияларининг кириб келгани ҳамда жадал ривожланиш йўлига ўтгани жамиятимизга ҳам катта ўзгаришлар олиб кирди. Зеро, бу ўзгаришлар асосини ахборотлаштириш, телекоммуникация ва компьютер технологиялари ташкил этади. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда ахборотнинг тез ва сифатли айланишини таъминлаш мамлакат тараққиёти ва равнақининг бош мезонига айланмоқда.



Миллий хавфсизликка эришишда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик таъминлаш энг муҳим мезонлардан биридир. Зеро, давлатнинг миллий сиёсатида миллий ва миллатлараро муносабатларни ўйғунлаштиришда бу икки умуминсоний ғоя ҳам назарий, ҳам методологик, ҳам амалий асос бўлиб хизмат қиласди. Бугунги кунда юртимизда юртимизда турли динларга мансуб қадриятларни асрар-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиб беришга, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, улар ўртасида қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга имкон берадиган миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Ўзбекистонда амалга оширилган миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик таъминлаш соҳасидаги кенг қамровли ўзгаришлар натижаси ўлароқ, АҚШ Давлат департаменти томонидан Ўзбекистон диний соҳадаги “алоҳида ташвишли мамлакатлар” рўйхатидан сўнгги 20 йил ичida чиқарилган иккинчи давлат бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 72 сессиясидаги нутқида **“Маърифат ва диний бағрикенглик”** номдаги маҳсус резолюциясини қабул қилиш заруратини асослаб, жумладан шундай деди: “Ушбу резолюция, бағрикенглик ва ўзаро хурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишига қаратилган”[8]. Ушбу резолюция 2018 йил 12 декабря БМТ Бош Ассамблеяси 73 сессиясида қабул қилиниши, дунё миқёсида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашга, халқлар ўртасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Зеро, бағрикенглик халқимизга хос хусусият бўлиб, унинг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалади. Юртимиз қадим асрлардан турли маданият, тил, урф-одат, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилувчи ва бир-бирига ўхшаш бўлмаган турли халқлар, миллатлар яшаб келаётган заминдор.

Ўзбекистон дунёвий давлат бўлиб, унда дин давлатдан ажратилган бўлса-да, у жамият ҳаётидан ажralган эмас. Қадим - қадимга бориб тақаладиган маънавий - диний анъаналарга эга Ўзбекистон каби мамлакатда динга муносабат масаласи жиддий ва ҳушёр ёндашувни талаб этади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси демократик тамойилларга содиқлигини ифодаси сифатда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан ўзаро муносабатда қўйидаги: диндорларнинг диний туйғуларини хурмат қилиш; диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш; диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини teng кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишига йўл қўймаслик; маънавий тикланиши, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарурати; диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишига йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш каби тамойилларга амал қиласди. Бунинг замирида давлат томонидан турли динларга эътиқод қилувчи ва динга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, шу каби ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва хурмат ўрнатилишига кўмаклашиши, улар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган қарама-каршилик ва кескинликларнинг олдини олиши, диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-куватлаши, диний ташкилотлар зиммасига давлат ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламаслиги, уларнинг қонун хужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмаслиги кабилар ётади.

Ўзбекистондаги диний ва миллатлараро тотувликни сақлашга доир юксак инсонпарвар сиёсат, жамиятдаги барқарорлик, ўзаро хурмат, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, мурувват ва шафқат, саховат муҳити дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун ҳавас қилишига ва намуна бўлишга



арзигулиkdir. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик жамиятимизга таҳдид солаётган диний негиздаги экстремизм ва фундаментализмни келиб чиқишини олдини олишда мухим аҳамият қасб этади.

Инсоният тараққиётининг тарихий тажрибаси ахборот хавфсизлигининг ҳолати ва террорчиликнинг намоён бўлиши даражаси ўртасида чуқур алоқадорлик борлигини тасдиқламоқда. Бу масала айниқса кўпмиллатли далатлар учун долзарб аҳамият қасб этмоқда. Ижтимоий тараққиётнинг ўзгариши, бир тузумнинг ўрнига бошқасининг келиши, хусусан, собиқ тоталитар тузумдан воз кечиш ҳамда янги демократик тузумга қадам қўйиш, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида туб ислохотларни амалга ошириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини бошдан кечираётган айрим давлатларда миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви, бунинг натижасида эса оммавий норозиликлар, хукуқбузарликлар, ҳалқлар ўртасидаги ишончсизлик, адоват, экстремистик кайфиятларнинг ўсиб бориши ва унинг ўта чет кўриниши – террорчиликка олиб келишини кузатиш мумкин[9]. Турли ижтимоий-сиёсий асосдаги террорчилик таҳдидига самарали қарши кураш олиб бориш бугунги кунда глобал даражадаги муаммога айланган.

Бундай жараёнлар сиёсий-мафкуравий соҳага ҳам катта таъсир кўрсатди, мафкуравий вакуум хосил бўлди, ватанпарварлик, бурч, байналмилаллик, ахлоқ каби ижтимоий ҳаётни мустаҳкамловчи асослар емирилди. Экстремизм, миллатчилик, терроризмни вужудга келтирувчи омиллар қайта тикланди. Бундай детерминантларга жамиятнинг ижтимоий табақаланиши, сиёсий курашнинг кескинлашуви, ишсизликнинг ўсиб бориши ва фуқароларнинг ижтимоий химояланмаганлиги, жамият ҳаётининг турли соҳалари ва давлат тизими даражаларида тарқалган хуқуқий нигилизм, сепаратизм тенденцияларининг кучайиши, қонунчиликдаги камчиликлар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Терроризмни вужудга келтирувчи ва қайта тикловчи детерминантлар қаторида миллатчилик алоҳида ўрин тутади. Маълумки, миллатчилик- жаҳоннинг мустамлака ва метрополиялар, қолоқ ўлка ва илфор давлатлар, озод ҳалқ ва мустабидлик исканжасидаги ҳалқларга бўлинниб кетишига қарши курашувчи демократик, маърифатпарвар ҳамда инсонпарвар кучлардан фарқли ўлароқ, мавжуд зиддиятларни ўз миллатининг манфаатларини бошқа миллатлар ҳақ-хуқуқларидан юқори қўйиб ҳал этишга интилувчи сиёсий оқимдир.

Ижтимоий амалиётда сиёсий зўравонликдан фойдаланишнинг кенгайиб бориши ҳамда террорчилик ва миллатчилик сиёсатига мурожаат килишининг кучайиб бориши кузатилган. Хусусан, У. Хелвиг фикрича: "...маълум шароитларда деярли ҳар бир сиёсий ва мафкуравий гурух – у мавжуд хукумат ёки мухолиф кучлар бўладими – террорчилик ва миллатчилик сиёсатига мурожаат килган"[10].

**Иккинчидан**, бу тараққий этадиган жараёндир ҳамда у аҳоли турли гурух ва қатламларини (энг аввало, миллатчилик экстремизми, диний-сиёсий, неофашизм асосида) дунёнинг асосий қитъалари ва айниқса Яқин ва Ўрта Шарқ, Лотин Америка, Шимолий Америка, Жанубий-Шарқий Осиё, Фарбий Европа мамлакатларида кечаётган сиёсий экстремизмнинг турли оқимларга жалб этиш билан тавсифланади.

**Учинчидан**, сиёсий жиҳатдан "оқланган" зўравонликнинг хавфли шакл ва усуулларга мурожаат қилиш, миллатчилик ҳаракатларини амалга оширишда куч ишлатиш, вайронгарчиликлар, одамларни вахшиёна ўлдириш ва х.к.[11].



**Тўртингидан**, турли мафкуравий-сиёсий йўналишдаги миллатчилик руҳдаги ташкилотлар фаолиятининг алоҳида миллат, элатларга қарши қаратилган даҳшатли таъсири томон барқарор ўзгариши.

Бугунги кунда айрим жаҳон ҳамда МДҲ мамлакатларида шаклланган сиёсий мухит уларда сиёсий экстремизм кучайишининг оммавий жараёнлари кузатилаётганлигини ҳамда ижтимоий жиҳатдан хавфли шаклларида намоён бўлаётганлигини кўрсатмоқда.

Бу эса, ўз навбатида миллатчилик терроризмни вужудга келтиришнинг замини бўлиб хизмат қилмоқда.

Ижтимоий-сиёсий жараёнларининг бундай кечиши эса, бир томондан ахоли ўртасида ижтимоий мухитни яхшилашга ишонмаслик кайфиятларининг ўсиб боришига, иккинчи томондан эса, экстремистик кайфиятлари кучли бўлган, миллатчилик руҳдаги гуруҳ ёки қатламларнинг фаоллашувига олиб келмоқда. Маълум радикал кучлар таъсирида миллатчилик ва диний-экстремистик нуқтаи назарда турувчи аҳолининг бундай гуруҳлари сиёсий жараёнларга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатишнинг экстремистик ҳамда оммавий шаклларини ўз амалиётида қўлламоқда.

Бундай ҳаракатлар ташаббускорлари турли неофашизм, ирқчилик ташкилотлар “миллат соғлигини сақлаб қолиш”, “эмигрантларни хайдаш”, “ирқий тозалаш”, ксенофобия, очиқдан-очиқ геноцидни оқловчи шиорлар асосида тарафдорларини уюштиришга интиладилар (АҚШ, ГФР, Англия). Бундай инсониятга таҳдид солувчи ғояларга қарши кураш жаҳон ҳамжамиятини асосий вазифаси бўлмоғи керак.

Миграция жараёнларининг ҳамда улар асосида вужудга келадиган ижтимоий хавфли конфликтларнинг бошқа бир жиҳати - турли Ғарбий мамлакатлар худудида (Шарқий-Ғарбий, МДҲ ва Яқин Шарқ давлатлари) очиқдан-очиқ миллатчиликни қўллаб-қуватловчи жиноятчи этник гуруҳларнинг пайдо бўлишидадир.

Миллатчилик терроризмни ривожлантиришдаги тенденциядан бири - унинг уюшган жиноятчилик билан яқинлашиб бориши ёки бирлашишидир.

Бу жараён турли давлатларда турли даражада сақланиб қолмоқда ҳамда ҳар бир мамлакатда уюшган жиноятчилик даражасига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Уюшган жиноятчилик ўз табиатига кўра, ноқонуний мақсадларга эришиш йўлида куч ишлатиш, зўравонлик, босқинчилик, террорчилик усулларига, хатто ўз иқтисодий манфаатларни ифодаловчи аниқ сиёсий мақсадларга эришиш йўлида террорчилик ташкилотлар кўмагига ҳам мурожаат қиласди[12].

Миллатчиликнинг уюшган жиноятчилик билан ҳамкорлиги эса ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ўта хавфли бўлган ҳамда мамлакатдаги миллатларро ва элатлараро кескинликларга сабаб бўладиган омилга айланиши мумкин. Демак, миллатчилик давлат ва жамият хавфсизлигига жиддий таҳдид солувчи омил сифатида нафақат мамлакат ичидаги майдондаги вазиятни кескинлаштириш, балки одамлар ўлими, йўқотишлар, талофатлар ва бошқа салбий оқибатларга етакловчи кенг қамровли ижтимоий зиддиятларни уйғотиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, трансмиллий жиноятларини келиб чиқиши ва мавжуд оқибатларини бартараф этиш нафақат муайян давлатнинг, балки, минтақа ва дунё миқёсида давлатларнинг биргаликдаги ҳаракатлари туфайли амалга оширилиши мумкин[13].

Бугунги кунда ёш авлодда соғлом миллий онг ва миллий ғуурни шакллантириш, ёшлар маънавияти ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда мулоқот маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Хусусан, уларда ўзга миллат вакилларига хурмат ва адолатли



муносабатда бўлиш, юксак ахлоқий фазилатлар ва хулқ маданиятини ривожлантириш, миллатчиликнинг ҳар қандай қўринишига қарши курашиш истагини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Уларда миллий-маънавий иммунитетни шакллантиришда таълим, оила, маҳалла ҳамкорлигини кучайтириш, шунингдек, фуқаролик жамияти институлари салоҳиятидан унумли фойдаланиш лозим.

### Адабиётлар:

1. Г.Г. Почепцов. Психологические войны. М.: Рефл-бук, К.: Ваклер. 2000. Сс. 58-59.
2. Козырев А.А. Информационные технологии в экономике и управлении. Из.во: Михайлова, Санкт-Петербург, 2000, -С. 57.
3. Арипов А.Н. Состояние и перспективы развития телекоммуникаций в Республики Узбекистана// Экономический вестник Узбекистана. №6, 2003., -С.28.
4. Манойло А.В., Петренко А.И., Фролов Д.Б. Государственная информационная политика в условиях информационно-психологической войны. 2-нашр. М.: Горячая линия – Телеком. 2006, -С.83.
5. Сифоров В.И., Суханов А.П. Информация, связь, человек.-М.: Знание, 1997. –С.64.
6. Masuda Y. The information society as postindustrial society.Tokyo, 1981. Р. 75.
7. Masuda Y. The information society as postindustrial society.Tokyo, 1981. Р. 69
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 72 сессиясидаги нутқи. “Халқ сўзи”, 2017 йил, 19 сентябрь.
9. Национализм: теория и практика (Сборник статей под ред. проф.Позднякова Э.А.).-Москва, 1994; Устинов В. Экстремизм и терроризм. Проблемы разграничения и классификация // Российская юстиция. №5, 2002.
10. Hahlweg W. Moderner Guerillakrieg und Terrorismus/ Probleme und Aspekte ihrer Theoretischen Grunlagen als Widerspiegelung der Praxis // Terrorismus. Hrsg.von M.Funke. Bonn, 1977. - P.118
11. Dobson C., Payne R. The terrorists.Their Weapons, Leaders and tactics.-N.Y., 1979.-P.15-16.
12. Основы борьбы с организованной преступностью // Под.ред. В.С.Овчинского, В.Е.Эминова, М.П.Яблокова.-Москва, 1996.
13. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 - Жилд. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018.Б.407 – 412.

